


International Journal of Scientific and Research Publications

**Print Version, Volume 14, Issue 11
November 2024 Edition
ISSN 2250-3153**

ISSN 2250-3153



9 772250 315302

**IJSRP Inc.
SJ Impact Factor=7,6**



DOI: 10.29322/ijsrp

ON ASSESSMENT THE READING COMPREHENSION OF REGULATORY DOCUMENTS

МЕЪЁРИЙ ҲУЖЖАТЛАРДА ЎҚИБ ТУШУНИШ МАЛАКАСИНИ БАҲОЛАШГА ДОИР

Алишер Абдурахмонов *

*** Гулистон давлат университети (Ўзбекистон) мустақил изланувчиси**

ДТСда ўрта таълим битириувчилари эгаллаши лозим бўлган малака талабарининг аниқ миқдорий кўрсаткичлари қайд этилмаган, аниқ белгиланмаган. Шунингдек, ўкувчилар БКМларини баҳолашнинг аниқ формати, механизми, меъёрлари, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириклар сони, турлари, кийинлик даражаси ва методикаси келтирилмаган, аммо БКМларни баҳолаш ва стандартда келтирилган минимал талаблар бажарилганлигини текширишда қўлланадиган назорат турлари қайд этилган.¹ 2000 йил 16 октябрдаги ўрта максус, қасб-хунар таълимнинг давлат таълим стандартларида битириувчиларнинг БКМларини баҳолаш, назорат қилиш усуслари юзасидан муайян тартиблар келтирилган бўлса-да, баҳолаш формати, мазмуни, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириклар миқдори, методикаси ва мазмуни юзасидан аниқ меъёрлар қайд этилмаган. Бундан маълум бўладики, ўкувчининг фанлар юзасидан эгаллаган БКМларини баҳолаш тартибини, мезонларини белгилаш ўқитувчининг индивидуал тажрибасига ҳавола қилинган.

2010 йилга келиб замон талаби асосида иккинчи авлод ДТС ва ўкув дастурлари пайдо бўлди, яъни Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан “Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари: Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти” ишлаб чиқилиб, амалиётта жорий этилди. Мазкур ДТС ва ЎДларида ҳам грамматикага оид ўзлаштириладиган билимлар ва нутқни ўстириш юзасидан кўнникма ва малакалар алоҳида қайд этилган.² Шунингдек, умумий ўрта таълимда ҳар бир синф ўкувчилари ўзлаштириши лозим бўлган билим, кўнникма ва малакалар алоҳида-алоҳида ва аниқ белгиланган. Ўкувчилар ўзлаштириши лозим бўлган БКМларни таҳлил қилиб чиксак, уларда асосан грамматик билим ва соғ назарий таҳлил кўнникмасини ривожлантиришга ургу берилган, ўкувчиларга лингвистик таҳлил қилишни батафсил ўргатишга устуворлик берилган. Шу билан бирга, ўкувчиларда ўз фикрини ёзма ифодалашшга оид кўнникмаларни эгаллашга ҳам эътибор қаратилган. Грамматик конуниятлар ҳам изчил – соддадан мураккабга караб ўргатиб борилади.

Баҳолаш механизми, формати, мазмуни ва методикаси ҳақида ДТСда муайян тавсиялар, меъёрлар келтирилмаган, фақат битириувчиларнинг БКМларни текширадиган педагогик назорат турлари ҳақида маълумот берилган. Ўкувчилар ўзлаштириган БКМлар жорий назорат, оралиқ назорат, босқичли назорат, ташки назорат ва якуний назорат турлари орқали баҳоланиши қайд этилган.

Куйида жорий ДТСни таҳлил қилишга уринамиз. Бу таълим стандарти аввалгиларидан бир қанча томони билан фарқланади. Аввало, унда таълим жараённига компетенциявий ёндашув устуворлик қиласди. Таъянч ва фанга оид компетенциялар белгилаб олинган, шу асосда, ўкувчилар ўзлаштириши керак бўлган минимал талаблар чегараланганди. Қолаверса, фанларга интеграцион ёндашув ҳам сезилиб туради. Мазкур ДТСда она тили фани бўйича умумий ўрта таълим битириувчиларига қўйилган малака талаблари таркибида ўқиб тушуниш малакасига белгиланган минимал талаблар қайд этилган.³

Мазкур талаблардан кўринадики, ўкувчининг ўқиб тушуниш малакасини ривожлантириш ва баҳолаш талабларини ишлаб чиқиш юзасидан ечимини кутаётган бир қанча муаммо бор.

¹ <https://lex.uz/docs/-1205976>

² Ўзбекистон узлуксиз таълимнинг давлат таълим стандартлари. Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандарти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Тошкент – 2010.

³ O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'liming davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 2017-yil 6-apreldagi 187-son qarori. <https://lex.uz/docs/-3153714>.

Шу билан бирга, ДТСда белгиланган талабларни бажарилишини текширишда, яъни битирувчиларнинг БКМ ва компетенцияларини баҳолашда қўйидаги назорат турларидан фойдаланилиши келтириб ўтилган.

Бир сўз билан айтганда, амалдаги ДТСда ҳам битирувчиларнинг билим, қўникма, малака ва компетенцияларини баҳолашда қўлланиладиган назорат турларигина келтирилиб ўтилган, аммо баҳолаш формати, мезонлари ҳамда баҳолашда фойдаланиладиган топшириқлар сони, турлари, методикаси ва мазмуни юзасидан аниқ меъёрлар белгиланмаган. Ўкувчиларнинг фанлар юзасидан ўзлаштирган билим, эгаллаган қўникма, малака ва лаёқатларини баҳолаш мезонлари ва текширишда фойдаланиладиган топшириқлар методикасини танлаш, ишлаб чиқиши ўқитувчилар зиммасида қолдирилган.

ДТС ўз моҳиятига кўра, ўкув дастурларини яратиш учун асос бўлса, ўкув дастурлари асосида эса дарслерлар, ўкув қўлланмалари ишлаб чиқилади. Ўкув дастури – таълим тизимидағи ҳар бир ўкув фанининг мазмуни ва ўтилиш тартибини, ўкувчилар томонидан ўзлаштирилиши лозим бўлган билим ҳамда қўникмалар хажмини белгилаб берадиган расмий педагогик хужжат⁴. Дарҳақиқат, ўкув дастурида фан юзасидан ўкувчиларга ўқитиладиган мавзулар ва билимлар мажмуи келтирилади. Шу билан бирга, ўкув дастурлари таълимдаги ёндашув ва методларни ҳам белгилаш асос вазифасини ўтайди. Шунинг учун ўкув дастурларини ишлаб чиқишида алоҳида эътиборни талаф этади. Шу ўринда шуни таъкидлашимиш керакки, она тили таълими ўзига хосликни, алоҳида ёндашувни тақозо этади, чунки тилни эгаллаш кўп компонентли жараён, унда мулоқот малакалари – тушуниш ва тушунтириш – нутқий қўникмалар ривожлантирилади. Шунинг учун ҳам она тили фани тарих фани сингари ўрганиладиган, асосан билим ҳосил қиласидиган фан эмас, балки эгалланадиган, ўзлаштириладиган, лаёқат ҳосил қилинадиган фанлар сирасига киради. Шу боис тил ўқитишда вакт ва давр нуктаи назаридан ўзига хос ёндашувлар, тадрижий методикалар қўлланиб келмоқда.

Маълумки, жаҳон тажрибасида тил ўқитишда фойдаланиладиган методлар тилга, ўрганувчига ва ўрганиш ҳодисасига нисбатан ёндашувига кўра бир-биридан фарқ қиласиди.⁵ Шундан келиб чиқиб, тил таълими хозирга қадар қўйидаги ёндашувлар асосида амалга оширилиб келмоқда десак хато бўлмайди.

Грамматик структураларга асосланган ёндашувда тил таълимида олдиндан грамматик қонуниятлар ва грамматик шакллар тўлиқ белгилаб олинади ва соддадан мураккабга қараб изчил, “чизиқли” тарзда ўргатишга, грамматик қонуниятларни мукаммал билишга, таҳлил қилишга эътибор берилади.

Эҳтиёжларга асосланган ёндашувда асосан тилнинг қўлланиши ва ўрганувчининг эҳтиёжларига асосланади. Улар олдиндан эҳтиёжга керакли бўлган грамматик структура ва коммуникатив вазифалар танлаб олинади ва тартибланади. Шунга хизмат қиласидиган машқ, топшириқ ва саволлар орқали ўргатишга ҳаракат қилинади.

Коммуникатив машгулотларга асосланган ёндашувда ўрганувчига коммуникатив машгулот ёки муаммони ҳал қилиш вазифалари орқали тил ўрганишга имконият яратилади. Бир сўз билан айтганда, бу ёндашувда “мазмунга асосланиш охир-оқибат тил структурасини ва коммуникатив малакани эгаллашга олиб келади”, деб қарапади ва шунга ургу берилади. Грамматик қонуниятлар ва коммуникатив вазиятлар “чизиқли” тарзда эмас, балки “спирали” тарзда ўқитилади.

Олима М.Абдураимова таъкидлаганидек, “грамматизмга асосланган ўқитиш усули ўкувчи-ёшларнинг кўпчилик қисмида ижодийлик, мустақил фикрлаш, вазиятга қараб фикр ифодалаш қўникмаларининг паст бўлишига олиб келди. Мавжуд ҳолат кўп жиҳатдан она тили таълимининг мақсади, мазмуни ва усулига алоқадор бўлиб, уни янгилаш ҳаётий заруратга айланди”⁶. Дарҳақиқат, тадиқиқотларимиз шуни кўрсатадики, мустақиллиқдан сўнг то хозирги кунга қадар она тили таълимида грамматизмга асосланган йўналиш устувор бўлди. Буни ўкув дастурларидаги ёндашувдан ҳам ёрқин кўришимиз мумкин. Она тили фанидан ишлаб чиқилган илк ўкув дастурида ҳам, 2010 йилда ишлаб чиқилган ўкув дастурида ҳам, амалдаги ўкув дастурида ҳам грамматик структураларга асосланган ёндашув бўйича мавзулар тақсимланган ва тартиблаштирилган. Дарслерлар ҳам шу асосида ёзилган. Хусусан, амалдаги ўкув дастурларини текшириб чиқсан, унда ҳам тил структурасини ўргатиш устувор. Жумладан, 1–4-синфларда алифбодан бошлаб, содда синтаксик бирликлар ҳақидаги мавзулар, 5–9- синфларнинг ўкув дастурларида эса нутқ товушидан бошлаб, кўшимча, сўз, сўз бирикмаси, гап, кўшма гап каби бирликлар ҳақидаги мавзулар система сифатида соддадан мураккабга, осондан қийинга қараб тақсимланган. 10–11-синфларнинг ўкув дастурларида эса нутқ услублари, тил бирликларининг қўлланиш коидалари, нутқ маданияти юзасидан мавзулар кайд этилган. Бу шуни кўрсатадики, она тили таълимида грамматик шакллар ва қонуниятларни соддадан мураккабга қараб узлуксиз тарзда чизиқли-тартибли ўқитишга ургу бериб келинмоқда. Тил ўргатишдан мақсад бўлган нутқий вазият, коммуникатив машқлар билан ишлаш эса иккинчи планга тушиб қолган. Бу эса ўкувчилар нутқий малакаларни

⁴Pedagogika ensiklopediyasi. III jild. – T.: “O’zbekiston milliy ensiklopediyasi” Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 379 b. (424)

⁵Kumaravadivel, B. Beyond Methods: Macrostrategies for Language Teaching. Yale University Press. 2003.

⁶M.Abduraimova. Ona tili ta’limi takomili. “Ta’lim taraqqiyoti”. O’zbekiston Respublikasi Xalq ta’limi axborotnomasi. 2001-yil 3-4-son 66-69-betlar.

ривожлантиришга, уларда ўз тафаккур маҳсули бўлган шахсий мулоҳазаларини нутқий вазият, нутқ иштирокчиларининг хусусиятларидан келиб чиқиб тўғри ва таъсирли ифодалаш ҳамда ўзгаларнинг нутқини англаш, идрок қилиш, уларни тушуниш қўнимасини ривожлантиришга деярли эътибор қаратилмаслигига сабаб бўлган. Демак, ўқув дастурида тил ўқитишдаги ёндашувни ўзгартириш лозим, нутқий вазиятларга тайёрлаш, коммуникатив машгулотларни бажаришга, ҳаётни ўргатишга йўналтирадиган ўқув дастурини ишлаб чиқиши – давр талаби.

ADABIYOTLAR

1. <https://lex.uz/docs/-1205976>
2. Ўзбекистон узлуксиз таълим министри Давлат таълим стандартлари. Умумий ўрта таълим министри Давлат таълим стандарти. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Тошкент – 2010.
3. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining "Umumiy o'rta va o'rta maxsus, kasb-hunar ta'limining davlat ta'lim standartlarini tasdiqlash to'g'risida"gi 2017-yil 6-apreldagi 187-son qarori. <https://lex.uz/docs/-3153714>.
4. Pedagogika ensiklopediyasi. III jild. – T.: "O'zbekiston milliy ensiklopediyasi" Davlat ilmiy nashriyoti. 2015. 379 b. (424)
5. Kumaravadivelu, B. Beyond Methods: Macrostrategies for Language Teaching. Yale University Press. 2003.
6. M. Abduraimova. Ona tili ta'limi takomili. "Ta'lim taraqqiyoti". O'zbekiston Respublikasi Xalq ta'limi axborotnomasi. 2001-yil 3-4-son 66-69-betlar.

Reviewer:

F. G. Sharipov
DSc, Professor
Gulistan State University

AUTHOR(S):

Author – Алишер Абдурахмонов, alisher_abdurahmonov@gmail.com

Corresponding author – Алишер Абдурахмонов, alisher_abdurahmonov@gmail.com